



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 2 апрель, шанба • №27 (11.726) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмохан Сингхнинг таклифига биноан 2005 йил 4-6 апрель кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларга доир масалаларни, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий долзарб муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида қатор икки томонлама битимлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Ўзаро ҳурмат, серқирра ҳамкорлик

4 апрель кун Ислам Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи бошланади.

Шу ўринда эслаш жоизки, Ҳиндистон Ислам Каримов мустақил давлат раҳбари сифатида 1991 йил август ойида расмий ташриф буюрган биринчи давлатдир. Айнан ўша пайтда сиёсат, иқтисодиёт, фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида икки томонлама ҳамкорликка асос солинган. Ўзбекистон Президентининг ўн тўрт йил давомида мазкур мамлакатга қилаётган тўртинчи савдо икки давлатнинг турли соҳаларидаги самарадор ва табора чуқурлашиб бораётган муносабатлари янги салмоқли туртки беради.

Масалан, Ҳиндистон билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 150 миллион АҚШ долла-

ридан ошди, бу 2003 йил кўрсаткичларидан қарийб 40 фоиз кўп демакдир. Шуниси эътиборга лойиқки, сўнгги йилларда Ўзбекистон экспорти таркибида хом-ашё ва ярим фабрикатлар эмас, балки етакчи саноат тармоқларининг юқори технологик маҳсулотлари – самолётлар, электрожиҳозлар, рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар кўпайиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ҳиндистоннинг бешта йирик фармацевтика компаниялари ваколатхоналари рўйхатга олинган. Ҳинд ишбилармонлари нафақат савдо-сотиқ билан шуғулланишарти,

(Давоми 2-бетда).

Баҳорги чақирув

Мамлакатда профессионал Куролли Кучларни шакллантириш давом этмоқда. Маънавий баркамол, жисмоний етук йигитларни ҳарбий хизматга танлов асосида чақириш иш-хотларнинг муҳим шартидир.

Ёшлик шижоати билан

Президентнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Фармони асосида ёшларни Ватан олдидаги бурчларини бажаришга чақиришга тайёргарлик қизгин тус олди.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Марказий офицерлар саройида ўтказилган матбуот анжуманида баҳорги чақирувни оммавий ахборот воситаларида ёритиш билан боғлиқ масалалар ҳусусида сўз юритилди. Йигитларни хизматга кузатиш ва хизмат муддатини ўтаб бўлганларни кутиб олиш тантанали ташкил этилиши, бу жараён ёшларда она юртга меҳр-муҳаббатни кучайтиришига эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.

Ойлик якунланди


Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги якунига етди.

Барча туман ва шаҳарларда 7 миллион 56 минг 789 туп манзарали, 1 миллион 265 минг 251 туп мевали ҳамда 992 минг 625 туп терак кўчатлари экилди. Майдонлар, кўча ва йўл бўйларига 1 миллион 900 мингта гул ўтказилди.

Умумхалқ ҳашарларидан тушган 53 миллион 638 минг сўм маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилди.

Абдулла РАҲИМОВ.

• Чиноз тумани ҳокимлиги диққатига



«ТАШАББУС – 2005»: ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун 1996 йилдан буюн тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, ишбилармонлик фаолиятини янада кенгайтириш, илғор тадбиркорлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида «Ташаббус» танлови ўтказиб келинмоқда.

Мазкур танлов ўтказила бошлаганидан буюн унда 90 000 дан ортиқ тадбиркор, фермер ва хунарманд иштирок этди.

Танлов иштирокчилари сафи йилдан йилга кенгайиб, уларнинг ҳуқуқий маданияти юксалмоқда. Танловда иштирок этаётганлар орасида ёшларнинг тобора кўпаяётгани куворнали ҳолдир.

Ўтган йилларда бўлгани каби, бу йил ҳам танловда хўжалик юритиш фаолияти якунлари бўйича энг яхши натижаларни қўлга киритган ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган микрофирмалар, кичик бизнес

корхоналари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, хунармандлар ҳамда амалий санъат вакиллари иштирок этди.

Танлов «Энг илғор тадбиркор», «Энг илғор фермер», «Энг илғор хунарманд» йўналишлари бўйича ўтказилди. Шунингдек, ўз фаолиятида улкан муваффақиятларга эришган хусусий тармоқ вакилларига мўлжалланган «Энг илғор тадбиркор аёл», «Замонавий технологияларни жорий этгани учун», «Энг яхши маҳсулот экспорти учун», «Энг самарали лойиҳа», «Энг илғор молия муассасаси», «Энг фаол журналист», «Бизнес-таълим бўйича энг илғор

ўқитувчи», «Энг ёш тадбиркор», «Энг яхши инновация лойиҳаси», «Энг яхши дастурий маҳсулот», «Энг яхши инвестор» каби жами 18 номинация бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилди.

Танлов якунлари сарҳисоб қилинишидан олдин, «Туркистон» саройида танлов иштирокчиларининг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

«Ташаббус-2005» республика танлови ғолиблари тантанали равишда эълон қилиниб, уларга мамлакатимиз Президентининг совринлари топширилди.

В. НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

СУРАТДА: ушбу кўрик-танловда «Энг илғор фермер» йўналиши бўйича иккинчи мукофотли ўринни олган вилоятимиз вакили – Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари Мухторхўжа Тўхтаниёзовни тақдирлаш пайти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Уйқудан қачон уйғонасиз?

Яна бир бор туман марказидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришнинг бугунги аянчли аҳволи ҳақида

Март ойи тугаб, вилоят ҳокимининг «Вилоятда 2005 йилнинг март ойида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига биноан бошланган тадбирлар ҳам якунланди. Бир ой давомида вилоят шаҳар ва туманларида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, санитария-эпиде-

миологик вазиятни яхшилаш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилди, аҳоли яшаш жойлари ободонлаштирилди, маҳалла ва гузарлар, майдон ҳамда хиёбонлар тартибга келтирилди. Минглаб мевали ҳамда манзарали дарахт ниҳоллари, турли мавсумий ва кўпйиллик гул кўчатлари экилди.

Биз жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги қандай ўтганлигини ўрганиш, бугунги ўзгаришларни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида Чиноз туманида бўлдик.

Кези келганда бир нарсани эслатиб ўтмоқчимиз. Газетанинг 26 февраль сонидagi «Газета ва газетхон» рўқни остида берилган хатлар саҳифасида тумандаги Ишчилар

(Давоми 3-бетда).

Ўзаро ҳурмат, серқирра ҳамкорлик

балки ўзбек иқтисодиётига фаол тарзда сармоялар киритишяпти. Ҳозир республикада ҳинд сармоядорлари иштирокида 25 та корхона фаолият кўрсатаяпти, улар орасида ўнтаси тўлалигича хориж капитали асосида ташкил этилган. Мазкур корхоналар фаолият кўлами халқ истеъмоли моллари ва доривор препаратлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш, туризм каби турли соҳаларни қамраб олган.

1993 йилдан буён 800 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассис Ҳиндистонда ахборот технологиялари, банк иши, кичик бизнес каби йўналишлар бўйича таълим олиб қайтишди. Икки томонлама ҳамкорликнинг таълим соҳа-

(Давоми. Боши 1-бетда).

сига тааллуқли қисми тобора ривож толиб бормоқда. Шу йил Тошкентда Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказининг очилиши ҳақида расман эълон қилинди. Ҳиндистонликлардан бў йўналишда кўп нарсани ўрганса арзийди. Бу мамлакатда ушбу технологиялар билан савдо оборотининг йиллик ҳажми 12 миллиард долларни ташкил қилади, Ҳиндистон дастурий маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилади, жаҳоннинг 55 та мамлакатиде ана шундай мутахассисларга сабоқ беради.

Иқтисодий ҳамкорликдаги муваффақиятларга фаол сиёсий мулоқот, турли даражадаги расмий ва ишбилармонлар ҳайъатлари билан доимий алмашинувнинг йўлга қўйилгани сабаб бўлмоқда. Икки томонлама ҳам-

корликнинг 45 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлардан ташкил топган шартнома-ҳуқуқий асоси яратилган. Кутилаётган сафар якунида унинг салмоғи янада ошади.

Гуманитар соҳадаги фаол муносабатларга халқларимизнинг узоқ тарихга бориб тақаладиган маданий алоқалари ижобий таъсир ўтказмоқда. Ун биринчи асрдаёқ Ҳиндистонга сафар қилган Абу Райҳон Беруний ўз асарларидан бирини ушбу мамлакатга бағишлаган эди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур XVI асрда шимолий Ҳиндистонда қудратли давлатга асос солди ва унинг авлодлари уч юз йил давомида ҳукмронлик қилишди. Бобур тарихда нафақат буюк давлат арбоби, балки иқтидорли шоир ва аллома сифатида

ҳам ном қолдирди. Ҳиндистонлик олимлар мамлакатнинг Амир Хусрав Дехлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мирзо Асадулла Ғолиб каби буюк шоирларининг аждодлари бизнинг ўлкамиздан бўлганини эътироф этишади. Бугун мамлакатлар ўртасидаги маданий алмашинув қайта тикланиб, унинг янги қирралари очилаяпти.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлиги кенг қамровли масалалар, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши кураш муаммоларини ҳам ўз ичига олган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон раҳбарининг Ҳиндистонга сафари воқеаларга бой бўлиши кутуляпти. Давлатларимиз куч сарфлаётган умумий мақсадлар серқирра ҳамда икки томоннинг ўзаро манфаатли ҳамкорликини чуқурлаштириш ва ривожлантиришдаги қатъияти ҳам етарлидир.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

● Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги

Аниқ чоралар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўловчиларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракатларини назорат қилишни кучайтириш мақсадида 1 апрелдан — 1 майгача республикада «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» бошланди.

Ойлик давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар аниқ белгиланган. Жумладан, транспорт воситалари, пиёда ва болалар гавжум йўллар ҳамда чорраҳалар кўриқдан ўтказилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилади.

Фармойишда таъкидланганидек, вилоятимизда йўл хавфсизлиги ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш комиссияси тузилиб, фаолиятини бошлади. Шаҳар ва туманларимизда аниқ режалар ишлаб чиқилди. Жойларда ҳар ўн кунда қилинаётган ишлар муҳокама этилиб, керакли вазифалар белгилаб борилади.

Тадбир доирасида аҳоли, айниқса, мактаб ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидаларини янада пухтарок ўргатишга катта эътибор берилиши кўзда тутилган. Ички ишлар идоралари вакиллари маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссиялари аъзолари билан ҳамкорликда ойликнинг моҳияти ҳақида идора ва ташкилотлар, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллаларда кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб боришади.

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,
вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори.

● Мушоҳада

Сенга жоним тасаддуқ, Ватан!

Ўзбекистон — барчамизнинг бобомерос Ватанимиз. Айни пайтда фарзандларимизга мерос қилиб қолдирадиган ягона она юртимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» дея даъват қилар экан, нафақат бугунги кунда оламшумул бунёдкорлик фаолияти билан астойдил шуғулланишни, айни пайтда келгуси авлодлар бахтиёр, фаровон турмуш кечиришларини ҳам назарда тутаятгани айни ҳақиқат.

Дунёдаги миллатлар ва элатлар орасида туғилиб ўсган заминини ардоқлаш масаласига турлича ёндошув мавжуд. Айрим элатлар умр бўйи кўчманчилик билан ҳаёт кечиришлари сир эмас. Ўзбек миллати она заминга, она юртга ўзгача меҳр билан боғланган халқ. Бу айни Наврўзи олам кезлари яққол намоён бўлишини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Ватан остонадан бошланади. Шу баҳор кунлари муборак диёримиз байрам нашидасини сурмоқда. Қарангки, миллатдошларимизнинг ҳатто чет элларда таваллуд топган фарзандлари ҳам Наврўзи оламини кенг нишонлашади. Улар бир умр бо-бокалонлари заминига — Ўзбекистонга талпиниб яшаганликлари ва яшаётганликларининг гувоҳи бўлганман. Бу айни шу байрам асносида ёрқин намоён бўлади. Шундай фазилатларга эга халқнинг она юртга, она-Ватанга меҳр-муҳаббати чексиз бўлиши табиий. Бу туйғу ҳар биримизга сут билан, қон билан сингган.

Жаҳон микёсида тан олинган «ўзбек модели»нинг афзалликлари ҳақида гап кетганда, халқимизга хос жамоавийлик фазилатига алоҳида тўхталиш керак. Айни шу боис ҳам мамлакатимизда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти тобора кенг қулоқ ёзмоқда ва улар тобора кенг ваколатларга эга бўлиб бора-япти.

Фарзандлар тарбиясида ҳам мана шундай ўзбекона ҳамжиҳатлик ҳамиша ижобий аҳамият касб этади. Бугунги тантанали байрам кунларида нафақат маҳалла оқсоқоли ва унинг котибаси, балки диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олиб бораётган ишларнинг натижалари ҳам ўзини кўрсатапти. Маҳалла кўмиталари қошидаги ёшлар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари баркамол авлодни тарбиялашдек хайрли ишга бош-қош бўлиб, Наврўзи шодиёналари хайрли, қувончли кечинини таъминламоқдалар.

Насриддин БОТИРОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг масъул ходими.


Оналик ва болалик — муҳофазада

Вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаси соғлиқни сақлаш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда туғма ривожланиш нуқсонлари бор болаларни жарроҳлик усули билан даволаб, туғма гипотиреоз, фенилкетонурия билан касалланган болаларни дори-дармонлар билан таъминламоқда.

Пскент, Бўка, Бекобод, Охангарон туманлари ва Охангарон шаҳрида туғма касал 26 нафар болалар Германиянинг «Фриденз-

дорф интернешнл» ташкилоти ажратган маблағ ҳисобига жарроҳлик усулида даволанди.

Абдурашид АБДУҲАКИМОВ.



Халқимизда «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган ҳикмат бор. Буни яхши англаган Баҳодир Ниёзов ўз иш кунини зарурий асбоб-анжомларни кўздан кечиришдан бошлайди. Бекобод туманидаги «Далварзин» ширкат хўжалигида жойлашган марказий устахонада Баҳодир Ниёзов сингари тажрибали ишчилар кўп.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Сизни шу йил 5 апрель кун соат 15.00 да Ўзбек миллий театри (Тошкент ш., Навоий-34, собиқ «Ҳамза» номидаги театр) биносида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташаббуси билан манфаатдор вазирлик ва идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, кенг тадбиркорлик субъектлари иштирокида «Тадбиркорликнинг ривожланиши учун соғлом рақобат муҳитини яратиш — устувор мақсадимиз!» мавзусига бағишланган бевосита юзма-юз мулоқотга таклиф этамиз.

Йиғилишда тадбиркорликнинг ривожланишидаги мавжуд сунъий тўсиқ ва тўсқинликларни бартараф этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларини чеклаш, тадбиркорликнинг ривожлантириш учун қулай ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, бу борада амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш вазифаларига оид масалалар муҳокама қилинади.

Шу муносабат билан Сиздан мазкур анжуманда ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларингиз билан фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Қўшимча маълумотларни **139-47-15, 139-47-94** рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.



● 2005 йил – Сихат-саломатлик йили

«Саломатлик-2» лойиҳаси амалда

Тошкентдаги шифокорлар малакасини ошириш институтида Жаҳон ҳамда Осиё тараққиёт банкларининг Ўзбекистонда амалга ошираётган «Саломатлик-2» лойиҳаси тақдироти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Саломатлик-1» лойиҳасини амалга ошириш мобайнида чекка қишлоқлардаги амбулатория хизматлари ривожлантирилди. «Саломатлик-2» лойиҳасига асосан ажратилган пуллар она ва бола саломатлиги учун сарфланиши режалаштирилди. Лойиҳада вилоятимиз шаҳар ва туманларида 2005-2009 йилларда оналар ва болаларни соғломлаштириш ишлари олиб борилади. Шунингдек, туг-

руқоналарга, болалар шифоналарига замонавий тиббий технологияларни жойлаштириш, умуман, соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни жадаллаштиришга эътибор кучайтирилади.

Халқаро банклар «Саломатлик-2» лойиҳасини амалга ошириш учун республикамизга 40 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратди.

Қамолiddин АСҚАРОВ.

Келажак пойдевори

Оққўрғон тумани қишлоқларида «Соғлом авлод – келажак пойдевори» мавзусида тадбирлар ўтказилди. Унда мактаб директорлари, ўқитувчилар ва маҳалла маслаҳатчилари иштирок этишди.

Тадбирда Президентимизнинг «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, тадбир сўнггида ёш авлодни тарбиялаш ва таълим беришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Даврон АБДУЛЛАЕВ.

Чекиш – иллат

Аҳоли кенг оммаси тафаккурида соғлом турмуш тарзи ҳамда гигиеналик, ичкиликбозлик, тамаки чекиш, ОИТСнинг олдини олиш асосларини шакллантириш мақсадида жойларда кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Тошкент тумани мактабларининг юқори синф ўқувчилари «Чекиш – иллат» кўрик-танловида қатнашишди. Ғолиб чиққан 12 нафар ўқувчига «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

Абдулла РАҲИМОВ.

Китоблар кўргазмаси

Юқоричирчиқ тумани марказий кутубхонасида «Сихат-саломатлик йили»га бағишланган китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда тиббиёт ва саломатлик мавзусидаги 50 дан ортиқ янги адабиётлар ўқувчиларга таништирилди. Шунингдек, кўргазмага келган китобхонларга оилада тиббий маданиятни ошириш, тўйдан олдин йигит ва қизларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг моҳияти баён этилган буклетлар тарқатилди.

Қамол ҒАЙРАТОВ.



Ишчилар шаҳарчаси марказидаги чиқиндихона.

аҳвол шу бўлгандан кейин, бошқа жойларда вазият қандай экан, дея шаҳарча ни айлана бошладик. Юқорида айтилган бозор олди ва унинг атрофида қарийб ўнга яқин салобатли дарахтлар қуриб қолган, бироқ кесиб ташланмаган.

— Дарахтлар шунчалик қуриб кетганидан, баъзан кучлироқ шамол бўлса, катта-катта шохлари синиб тушади, — дейди шу ҳудудда яшовчи Доноҳон Раҳматов. — Ахир бола-чақанинг устига тушса, нима бўлади? Кесинглари десак, кесилади дейишдан нарига ўтишмайди. Ўзимиз олиб ташлайлик, десак бунга ҳам рухсат беришмайди. Шу қуриган дарахтларни ҳам кимдир сотиб олганмиш. Ўша одам кесмагунча тураверармиш.

да аҳоли билан юзма-юз учрашиб, уларнинг муаммолари билан қизиқиб, имкон қадар ёрдам бериб турса эди, — дейди шаҳарчалик Наима Раҳматова. — Ҳозир эса...

Ахир раҳбар деган халқнинг ичига кириши, унинг орзу-умидлари, фикр-мулоҳазалари билан қизиқиши, элга қайишиши керак эмасми?



Усмон Юсупов номли истироҳат боғи.

Уйқудан қачон уйғонасиз?

шаҳарчасидан бир гуруҳ фуқароларнинг тахририятга шикоят билан мурожаатлари ўрганилиб, эълон қилинган эди. Унда шаҳар марказидаги хунук вазият, вужудга келган чиқиндихонанинг ён-атрофга таъсири ҳақида баён этилганди. Туман мутасаддилари ва шаҳар аҳолиси бундан тегишли хулоса чиқарган бўлсалар керак, деб ўйлаб, дастлаб ўша ерга бордик. Минг афсуски, айни ҳолат «Эски ҳаммом, эски тос». Ахлатхона атрофида яшовчи фуқароларнинг айтишича, мақола эълон қилингандан сўнг, бу ер номигагина тозаланган бўлди-ю, яна ўз ҳолига ташлаб қўйил-

ди. Шаҳарча кўчаларини айланишда давом этамиз. Қизиқ, бу ердаги бирорта кўчанинг номи ҳеч қаерда қайд этилмаган. Хайриятки, сўраб-сўраб, шаҳарчада Навоий, Олим Хўжаев, Зикрий Носиров, Улуғбек номли кўчалар борлигини билдик.

Олим Хўжаев кўчасига киришингиз билан хонадонлар эшиги тагида тўкиб қўйилган қум-шағаллар уюмига кўзингиз тушади. Канализация ва сув тармоғи учун кўчаларда махсус ўрнатилган қувурлар ҳам чиқинди ва бетон парчалари билан тўлдириб ташланган.

Зикрий Носиров кўчасидаги бетон ариқлар ахлат билан тўла. Бу ердаги кўп қаватли уйлар анчадан буён қаровсизлиги шундоққина кўриниб турибди. Шунингдек, қурилиши бошланган бино чала ташлаб кетилган. Пойдевор учун қавланган чуқур аҳоли учун ахлатхона вазифасини ўтаётди. Чуқур атрофидаги пала-партиш уйиб ташланган турли ҳажмдаги қурилиш ашёлари устида болалар ўйнаб юришибди. Улар чуқурга йиқилиб ёки бетонлар устидан тушиб кетиб, бирор фалокат юз берса бунинг учун ким жавоб беради?

Қолаверса, шаҳарчадаги бирор кўчада болалар ўйнайдиган майдончанинг йўқлиги бу масалага эътибор қандай эканлигидан далolat беради. — Туман мутасаддилари маҳаллалар-



Зикрий Носиров кўчасидаги чала қолган қурилиш.

Сафаримиз сўнггида туман марказидаги Усмон Юсупов номли истироҳат боғида бўлдик. Ташқаридан қараганда, дарвозаларини бўяб, чиройли қилиб қўйишган бўлсада, ичкаридаги вазият бутунлай бошқача. Истироҳат боғи дейишга умуман нолойиқ. Бу ерда одамлар ўтириб, хордиқ чиқаришлари учун ўриндиқлар ҳам ўрнатилмаган. Боғ ичидаги бинолар қаровсиз. Шу боис бўлса керак, боғда бирор тирик жонни учратмайсиз.

Туманга сафаримиз давомида анча жойларни кўрдик, жуда кўп кишилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг муаммолари билан қизиқдик. Тўғри, айримлар ўз исм-шарифларини газетада чиқармаслигимизни илтимос қилишди... Бу истиҳолами, андишани ёки бирор нимадан чўчиши — уларнинг виждонига ҳавола. Аммо, Чиноз марказидаги аҳолининг ўз ис-

тикомат жойларига беписандлигидан ранжиганимизни ҳам айтиб ўтиш ўринли. Зеро, ўзи яшаётган жой ва унинг атрофини тозалаб, биров ҳавас қилса арзигудек қилиб қўйиш каби халқимизга хос фазилатни бу ердагилар унутиб қўйишгандек туюлди. Туманда уларни уюштириб, шунга сафарбар этувчи куч ҳам йўқдек. Қолаверса, ён дафтар саҳифаларига қораланган барча далилларни

мазкур мақолага киритишни ўзимизга эп кўрмадик. Чиноз маркази билан танишар эканмиз, шундай хулосага келдикки, тумандаги мутасадди раҳбарлар ўз тасарруфларидаги ҳудуднинг бугунги қиёфасига бепарволик билан қарамоқдалар. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Беихтиёр, туман марказидаги ҳолат шу бўлса, қишлоқ ва кўрғонлардаги аҳвол қандай экан, деган савол туғилади.

Ўйлаймизки, чинозлик раҳбарлар бизнинг бу сафарги чиқишимиздан тегишли хулоса чиқариб оладилар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: туман маркази кўчаларидаги ноҳуш манзаралар.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Абу Райҳон Бериуний номидаги 1-умумтаълим мактабининг кўриниши.

ди. — Кунлар исий бошлагач, яна ён-атрофни қўланса ҳид тутмоқда, — дейди чиқиндихона ёнидаги бозорчада савдо қилаётган Каромат Нажимова. — Бунинг таъсирида болалар ўртасида турли касалликлар тарқалмоқда. Бироқ, ҳеч кимнинг бу билан иши йўқ. Туман ҳокимлигининг ёнгинасида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Dushanba

4

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»

12.05 «Масъул сўз».
12.25 «Дастурхон атрофида».
12.40 «Қишлоқ ҳаёти».

18.40 2005 йил - «Сихат-саломатлик йили». «Дастур - ижро, масъулият».

23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
16.55 Курсатувлар дастури.

20.30, 21.20 Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат можароси». Телесериал.

кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

17.40 «Клон». Сериал.
18.50 «Мени кутгил».
20.00 «Время».

Dushanba

5

«Ўзбекистон»
0 «Ассалом, Ўзбекистон!»

«Кўкка созурилган пул». Бадий фильм.

21.25. Хониш». Мусикий дастур.
22.00 «Дин ва ижтимоий тарқийёт».

11.10 «Чекмиш - соғлиққа зарар». Телефильм.

20.25 Телевикторина.
20.30, 21.20 Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат можароси».

«Диканка қишлоғи оқшомлари».
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

21.55 «Машаққатли йўл». Бадий фильм.

Dushanba

6

«Ўзбекистон»
«Ассалом, Ўзбекистон!»

14.35 «Анъаналар эътиди давом». Мусикий дастур.

таҳлили».
21.25 Ўзбекистонда хизмат курсатган артистлар куйлайди.

оламга.
11.10, 13.10, 16.10, 22.35 ТВ - анонс.

20.40, 21.30 Эълонлар.
20.45 «Муҳаббат можароси».

00.25-00.30. Хайрли тун, шаҳрим!

23.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.

Payshanba

7

«Ўзбекистон»
ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ.

дастур.
13.25 ТВ анонс.
13.30 2005 йил - «Сихат-саломатлик йили».

ни борида кадрла».
18.45 «Мувозанат».

8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.

18.00 Ёшлар овози.
18.20 Табобат оламида.

кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».

18.50 Кураш.
19.30 «Жаҳон футбол».

Juma

8

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
9.40 «Мувозанат»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Робинзон Крузонинг саргузаштлари». Бадийий фильм.
11.30 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!»
11.50 Мусикий танаффус.
12.05 2005 йил - «Сихат-саломатлик йили». «Кўлингиз дард кўрмасин».
12.45 ТВ анонс.
12.50 Мусикий фильмотека: «Олтин водий куйчиси».
13.10 «Бегона». Телесериал.
13.55 ТВ клип.
14.10 Телемулоқот.
14.55 Кундузги сеанс: «Кичкинтой». Бадийий фильм.
15.45 «Гулшан». Адабий-мусикий

дастур.
«Болалар сайёраси»:
16.05 «Уйла, Изла, Топ». Телемусобақа.
17.05 «Саёхатчи курбака». Мультфильм.
17.20 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
17.40 «Хайт ва қонун».
18.10 «Олтин бешик».
18.40 «Тафсилот».
19.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».
19.20 «Пластик карточкалар ҳамма учун фойдали».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Дастурхон атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 Назира Аҳмедова номидаги II Республика хонадалар танлови ғолибларининг концерти.
22.20 «Хамма неъматни борида қадрла».

22.25 «Қочоқлар». Кинокомедия.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Китоб жавони.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 Офтоб чиқди оламга.
10.25, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
10.35 Ўзимизники.
10.45 Ёшлар овози.
11.05 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
11.55 Истиклол чечаклари.
12.15 1001 маслаҳат.
12.35 «Улуғ дарё». 2-қисм.
12.55 Мусикий лаҳза.
13.10 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.
13.35 «Девона». Бадийий фильм 2-қисм.
14.55 Дийдор.
15.15 «Даллас». Телесериал.

16.20 Мезон.
16.40 Кишлоқ шифокори.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.30 «Буюк ёпилиш». Мультфильм.
17.40 Ёшлар ва ҳуқуқ.
18.00 Аскар мактублари.
18.20 Телевикторина.
18.25 Кишлоқдаги тенгдошим.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Ўқишга марҳамат!
19.45 Хотира.
20.05 ТВ - адвокат.
20.10, 21.00 Ўзлонлар.
20.15 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.05 «Амир Темур ёди». 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 Кинотақдим.
23.30 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.20 - 0.25 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Рэй Бредбери театри».
17.30 «Табриқлаймиз».

17.50, 20.35 «Экс-пресс» телегазетаси.
18.10 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 20.55, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
20.20 «Имконият».
21.15 «Равнак» студияси намойиш этади.
21.30 «Пойтахт йўлларида».
21.45 «Дорихона эшитиди». Бевосита мулоқот.
22.50 Кинонигоҳ: «Эҳтиёт бўлинг, йўлда пул».
00.20-00.25. Хайрли тун, шажрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Волейбол.
9.30 «Нокаут».
10.00 Баскетбол.
10.30 Пауэрлифтинг.
10.50 Дисней клуб.
11.20 «Азazel» Бадийий фильм. 3-қисм.
12.20-13.30 Хужжатли фильм. 3-қисм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.

17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Ажабтовур спортчилар». Мультфильм.
17.20 Хужжатли фильм.
17.50 «Спорт клуб». Ринг.
18.20 Кураш.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.25 Премьера «Қақнус». Сериал.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Спорт - менинг ҳаётим».
21.30 Кучли бешлик.
22.05 Жаҳон спорти: «Снукер».
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хам-

кор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Бедная Настя» сериал 14.00 Художественный фильм, «Часовой механизм» острозажетный фильм 15.40 «Ошикона» 16.25 «Тайны мира», познавательная передача 17.25 «Теле-хамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Аёллар ораузи» - передача для женщин 19.15 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 19.45 «Ошикона» 20.30 «Кичкинтойлар олами» детская передача 21.00 «Теле-хамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «На гребне волны» детектив 00.00 Программа передач

Утерянный аттестат на имя Богомоло- вой Алёны Валентиновны, выданный шко- лой №163 Чиланзарского района города Ташкента за № О'Р-В 0118910 в 2003 году **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Миробод туманидаги «Мулқдор-Дизайн» МЧЖ ўзининг устав фондини 272000 сўмдан 326597 сўмга кўтарганлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ томонидан хусусий тадбиркор Абдуллаев Максудбек Хожиевич номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2145-сонли фармойиши асосидаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби»га биноан қуйидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг директорлари лавозимига танлов эълон қилади:

1. Ангрен шаҳар поли- техника касб-ҳунар коллежига
2. Ангрен шаҳар компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежига
3. Ангрен шаҳар педагогика коллежига
4. Ангрен шаҳар тиб- биёт коллежига
5. Бекобод шаҳар тиб- биёт коллежига
6. Бекобод шаҳар тех- ника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига
7. Бекобод туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига
8. Бўстонлик туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига
9. Бўстонлик туман қурилиш касб-ҳунар коллежига
10. Бўка туман агросано- ат касб-ҳунар коллежига
11. Бўка туман маиший хизмат касб-ҳунар коллежига
12. Оҳангарон шаҳар са- ноат касб-ҳунар кол- лежига
13. Оҳангарон шаҳар ма- иший хизмат касб- ҳунар коллежига
14. Оҳангарон туман қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт касб- ҳунар коллежига
15. Оққўрғон туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига
16. Оққўрғон туман қури- лиш ва уй-жой ком- мунал хўжалиги касб- ҳунар коллежига
17. Олмалик шаҳар маи- ший хизмат касб- ҳунар коллежига
18. Қуйичирчиқ туман қишлоқ хўжалиги

- касб-ҳунар колле- жига
19. Қуйичирчиқ туман агросаноат касб- ҳунар коллежига
 20. Юқоричирчиқ ту- ман қурилиш-иқти- содиёт касб-ҳунар коллежига
 21. Чирчиқ шаҳар тиб- биёт коллежига
 22. Чирчиқ шаҳар са- ноат-иқтисод касб- ҳунар коллежига
 23. Чирчиқ шаҳар маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига
 24. Чирчиқ шаҳар қури- лиш ва транспорт касб-ҳунар коллежига
 25. Чиноз туман (махсус) касб-ҳунар коллежига
 26. Янгийўл туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Шаҳар (туман) ҳокимиятидан тавсиянома
3. Сўровнома
4. Таржимаи ҳол
5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеро нусхаси
6. Илмий даражаси ва илмий унвонлари (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжат- лар ва уларнинг ксеро нусхаси
7. Илмий-услубий ишлари ва ихтиролари рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона)
9. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиё- рий шаклда ёзган режаси (концепция)
10. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеро нусхаси
11. Паспортнинг ксеро нусхаси (турар жойи билан)
12. Шаҳар ИИБдан маълумотнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун давомида қабул қилинади.
Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўргони.
Телефонлар: 66-09-59, 66-16-51.



БАРЧА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 1 апрелдан электр энергия тўловлари учун истеъмолчи гуруҳлар бўйича қуйидаги янги тарифлар тасдиқланди (25.03.2005 йил 19-03-ЎзР-11-2005 рақамли реестр).

I гуруҳ. Қуввати 750 кВа ва ундан юқори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, икки ставкали тариф:

— 1 кВт максимал қувват учун бир йилга — 56050 сўм;

— 1 кВт.с. учун — 26 сўм 30 тийин.

II гуруҳ. Қуввати 750 кВа гача бўлган саноат ва унга тенглаштирилган истеъмолчилар:

— 1 кВт.с. учун — 32 сўм 30 тийин.

III гуруҳ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан бюджет-

дан молиялаштирилган насос станциялари:

— 1 кВт.с. учун — 31 сўм 20 тийин.

IV гуруҳ. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электрулов):

— 1 кВт.с. учун — 32 сўм 30 тийин.

V гуруҳ. Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари, шаҳар кўча ёриткичлари:

— 1 кВт.с. учун — 32 сўм 30 тийин.

VI гуруҳ. Савдо ташкилотлари, кафе, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари:

— 1 кВт.с. учун — 35 сўм

40 тийин.

VII гуруҳ. Аҳоли, аҳоли пунктлари:

— 1 кВт.с. учун — 30 сўм 35 тийин.

Электр плиталар билан жиҳозланган турар-жой аҳолиси:

— 1 кВт.с. учун — 15 сўм 18 тийин.

VIII гуруҳ. Иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва совутиш (кондициялаш) эҳтиёжларига ишлатиладиган электр энергияси:

— 1 кВт.с. учун — 34 сўм.

IX гуруҳ. Реклама ва иллюминация:

— 1 кВт.с. учун — 110 сўм.

X гуруҳ. Энергетика тизи-

мининг хўжалик эҳтиёжларига:

— 1 кВт.с. учун — 30 сўм 35 тийин.

Эслатма:

1. Ушбу тарифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сонли қарори асосида тасдиқланган.

2. Ушбу тарифлар ККС билан ўрнатилган (аҳоли, аҳоли пунктлари, VII гуруҳдан ташқари).

3. Ушбу тарифлар кўчга кириши билан 2004 йил 1 декабрдан амал қилган тарифлар ўз кучини йўқотади.

Маълумот учун телефон: 136-93-80.

«Тошкент электр тармоқлари» очик акционерлик жамияти бошқаруви маъмурияти.

Тошкент Вилояти «Дори-Дармон» очик акциядорлик жамияти акциядорлари эътиборига

Маълумотнома-07.

2005 йил 28 мартда Кузатув кенгашидан қарор қабул қилиниб, акциядорларнинг ҳар йили ўтказиладиган умумий йиғилиши 2005 йил 2 майда ўтказилиши белгиланди.

«Вакт» миллий депозитарийсига хат йулланиб, 108/01 рақамли 2005 йил 2 апрелдан акциядорлар реестри ёпилганлиги билдирилди.

Акциядорларнинг ҳар йилги умумий йиғилиши 2005 йил 2 майда ўтказилади.

Тошкент вилояти «Дори-Дармон» очик акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, жамиятнинг 2004 йилги молия-иқтисодий умумий мажлиси ҳисоботи 2005 йил 2 май куни соат 10.00 да жамиятнинг мажлислар залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент ш., Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 28-уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. Мажлис регламентини тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгашининг 2004 йил натижаси бўйича ҳисоботи ва уни тасдиқлаш.
3. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш ёки тасдиқлаш.
4. Жамият раисининг 2004 йил бизнес-режа бўйича ҳисоботи. 2004 йилги молиявий ҳисоботи (баланси)ни тасдиқлаш, фойда ва зарарнинг тақсимланиши.
5. 2004 йил молиявий натижалари бўйича аудиторлик текшируви ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Тафтиш ҳайъати аъзоларининг ҳисоботи, ҳайъат аъзоларини қайта сайлаш ва уни тасдиқлаш.
7. «Дорихона омборхонаси» шўъба корхонасининг Тошкент вилояти «Дори-Дармон» очик акциядорлик жамияти таркибига қўшилиши.
8. Жамият раҳбари билан меҳнат шартномасини тузиш.
9. 2005 йил учун тузилган бизнес-режани тасдиқлаш ва молиявий-иқтисодий хўжалик йўналишларини аниқлаш.
10. Тошкент вилояти «Дори-Дармон» ОАЖнинг давлат улушига тегишли акцияларини янгидан ташкил этилаётган «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси устав фондига берилиши йўли билан компания таркибига кириши.
11. Турли масалалар.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2005 йил 2 май 8.00 дан 9.50 гача ўтказилади. Акциядорлар рўйхатдан ўтиш учун шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт)га эга бўлишлари керак.

Акциядорларнинг ишончли вакиллари юқоридаги ҳужжатдан ташқари нотариал тасдиқланган ишончномага эга бўлишлари керак. Умумий мажлис кун тартибидаги барча масалалар бўйича маълумотларни Кузатув кенгаши аъзоларидан соат 10.00 дан 17.00 гача ҳар куни олиш мумкин.

Телефонлар: (8-371) 56-37-43, 56-46-06, 56-37-52. Соат 10.00 дан 17.00 гача.

Тошкент вилояти «Дори-Дармон» очик акциядорлик жамиятининг 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи. ОАЖнинг молиявий аҳволи.

Тошкент вилояти «Дори-Дармон» очик акциядорлик жамияти бўйича 2004 йил ишлаб чиқариш кўрсаткичлари куйидагича (минг сўмда)

№	Муомала турлари	2004 йил	
		режа	амалда
1	Товар айланиши жами:	2075912,8	1531049
	Чакана савдо -	660292,8	557343,7
	Улгуржи савдо -	1415620	973704,6
2	Муомала харажатлари	329258,9	342828
3	Ишчилар сони	290	274
4	Тўланган ойлик маошлар	96954,0	106165,4
5	Ўртача ойлик маош	27860	32288,0
6	Умумий даромад (минг сўмда)	457342	343391
7	Соф фойда (минг сўмда)	28840,0	563,0
8	Солиқ тўловлари	99243,2	68062,0
9	Соғлиқни сақлаш муассасаларига берилган дори-дармон	659687	677135,5
10	Шу жумладан, бепул берилган дори-дармонлар	175402,7	177353,5
11	Олиб келинган дорилар	1326800	1195300
12	Дебиторлик қарзлар		174629
13	Кредиторлик қарзлар		900697
14	Дори-дармонлар захираси		45007,2
15	Самарадорлик даражаси	0,2	0,01

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



РИМ ПАПАСИ БЕХУШ

Рим папasi Иоанн Павел II hozir кома хoлатида, беxуш ётибди. Ватикан рахбарияти бундан илгарироқ понтификнинг ахволи оғир эканлигини эълон қилганди. Рим-католик черкови етакчиси қароргоҳига кардинал Камилло Руини аллақачон етиб келди. Маълумки, анъанага мувофиқ Рим папasi ўлими ҳақида айнан шу шахс эълон қилиши керак.

ХИМОЯЧИЛАР ТАЛАБИ

Россия ҳуқуқ химоячилари чеченистонлик айирмачиларнинг ўлдирилган етакчиси Аслан Масхадов жасадини кўмиш учун қариндошларига топшириш зарур, деб ҳисоблашмоқда. Уларнинг фикрига кўра, Масхадовни терроризм жиноятчиси сифатида кўмиш юридик жиҳатдан асосга эга эмас. Зеро, бу шахс устидан суд ҳукми ўқилмаган.

КЎШНИСИ НОРОЗИ

Пайшанба куни Жанубий Кореянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi вакили унинг давлати Япониянинг БМТ хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари рўйхатига киритилишига имкон қадар қаршилик кўрсатиш ниятида эканлигини эълон қилди. Дипломатнинг фикрича, кўшни давлатлар ишончини қозонолмаганлиги сабабли Япония бу жойга даъвогарлик қилолмайди.

ИСТЕЪФОНИНГ БОШ САБАБИ

Фаластин разведкасининг Фарбий соҳилдаги бошлиги Тофиқ Тирави истеъфога чиқаришларини сўраб, нома берди. У Фаластин маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос номига битилган ўз хатида ҳозирги мавжуд вазиятда фаолиятини давом эттира олмаслигини таъкидлаган. Тиравининг сўзларига қараганда, Фаластин ҳудудларида тартибни таъминлаш учун етарли чоралар кўрилмапти.

АТАМА ЁҚМАЯПТИ


Буюк Британия консерватив партияси электрон оммавий ахборот воситалари журналистларидан бундан буён уни Тори деб атамасликни сўради. Бу илтимос партиянинг жамоатчилик алоқалари билан шуғулланувчи расмий вакили Майкл Солтернинг телеканалларга жўнатган мактубида баён этилган. Мазкур ҳужжатда телевизион эшиттиришлар ташкилотчиларидан ақалли партия номи матнда илк бор эсланганда «тори» сўзини ишлатмаслик сўралади.

БЕСЎНАҚАЙ РАДАР

АҚШ Аляскада ракеталарга қарши муҳофаа учун хизмат қилувчи улкан радар ўрнатишга ҳозирланмоқда. Ҳозирча Техасда турган ушбу радар яқин кунларда Шимолӣ ва Жанубий Америка бўйлаб улкан платформада саёҳатга чиқади. Уни Панама канали орқали манзилга элтишининг ҳеч иложи бўлмади. Зеро, сув ҳавзасининг кенлиги ушбу бесўнақай қурилма учун торлик қилди.

УММОН ТУБИДАГИ ЁНИЛҒИ

Американинг Брукхэвен миллий лабораторияси ходимлари истиқболли, аммо олиними қийин ёнилғи — метан гидратларини тадқиқ этиш ниятидалар. Маълумки, бу ёнилғининг катта қисми океан тубида сақланади. Олимлар мазкур бирикмаларни Ер сатҳида ҳосил қилиш учун шароит яратишга муваффақ бўлишди.



Кўприklar...

Шарҳловчи минбари

Индонезиядаги кучли зилзила

Индонезиянинг Суматра оролида кучли ер силкиниши қайд этилди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, кучи Рихтер ўлчови бўйича 8,7 баллни ташкил этган зилзила оқибатида икки мингга яқин одам ҳаётдан кўз юмган.

Суматрага яқин Симелуэ ва Ниас оролчалари табиий офат маркази сифатида қайд этилди. Маълумотларга кўра, Симелуэда силкинишдан сўнг уч метр баландликдаги кучли тўфон ҳам кузатишган.

Табиий офат рўй берган ҳудудларда қутқарув ишлари давом этмоқда. Айни пайтгача Ниасда вайроналар остидан уч юздан ортик одамнинг жасади топилган. Қурбонлар сони яна ортиши тахмин қилинмоқда.

Австралия ташқи ишлар вазири Александр Даунер расмий Канберра Индонезиянинг табиий офатдан жиддий зарар кўрган ҳудудларига ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ўтган йил декабрь ойида юз берган кучли зилзила ва тўфондан ҳам Суматра аҳолиси катта жабр кўрган эди. Унгача эса Индонезияда энг қаттиқ ер силкиниши 1938 йилда қайд этилган.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

"Дискавери" парвозга тайёрланмоқда

НАСА кўп марта фойдаланиладиган фазовий кемалар — шаттлар парвозини қайта йўлга қўйиш билан боғлиқ тайёргарлик ишларини якунламоқда.

Ўтган чоршанба куни "Дискавери" деб номланган шундай қурилмалардан бири Канаверал бурнида жойлашган космодромнинг таъмирлаш ва синов мажмуига келтирилди.

2003 йилнинг февралда "Колумбия" кемасининг

портлаши оқибатида етти нафар фазогир ҳалок бўлганди. Махсус комиссия ўтказган текширув натижасида ташқи ёнилғи баки қисмларидан бирининг узилиб кетиб, иссиқдан химояловчи қопламани шикастлаши фожиага сабаб бўлгани аниқланди. Мазкур воқеадан сўнг шаттлар парвози вақтинча тўхтатилиб, улардаги мавжуд техникавий камчиликларни бартараф этишга эътибор қаратилди.

Муҳандислар ташқи ёнилғи бакининг ўзилишига ўзгартиришлар киритди. Уни кемага маҳкамловчи қўшимча ускуналар пайдо бўлди. Бу парвоз жараёнининг хавфсиз ўтишини таъминлайди.

НАСА мутахассислари оғирлиги салкам 100 тоннага тенг фазовий кемани тиклаб, уни яна бир бор умумий техникавий кўриқдан ўтказди. "Дискавери"нинг парвози жорий йил 15 майга режалаштирилган.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ВЕРТОЛЁТ УШЛАНДИ

Молдавия сарҳадларида украиналик божхоначилар юртига фуқаро авиациясига мансуб Ка-26 вертолётини олиб ўтишга уринган ватандошларини тўхтатдилар. Чегарада қонунбузар бу шахс сохта маълумотлар битилган ҳужжатларни кўрсатди. Божхоначилар ҳозир вертолётнинг ҳақиқий нарҳини аниқлашга уринмоқдалар.

ПАРРАНДА ГРИППИ ХАВФИ

Россия Федерацияси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги мамлакатда парранда гриппи хавфи пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Мазкур таҳдидли вазиятнинг юзага келишига Осиёдаги қатор мамлакатларда бу хавфли вирус ўқтин-ўқтин ўзини эслатиб тургани сабаб бўлаётир. Қолаверса, ҳозирги вақтда мазкур хасталикнинг бугунги шароитларга мослашиб бораётгани ҳам мутхассисларни чўчитаяпти.

МУАММОЛАР ТУФАЙЛИ

Mercedes-Benz компанияси аниқланган муаммолар туфайли бутун жаҳон бўйлаб 1,3 миллионга яқин автомобилни йиғиштириб олишга мажбур бўлмоқда. Қайтиб олинаётган машиналар орасида 2001-2005 йилларда ишлаб чиқарилган қатор моделлар бор. Уларда генератор, батареяларни зарядлаш назорати тизими ҳамда тормоз мажмуасида нуқсонлар топилгани қайд этилган.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



